

Умаров Баҳром,

Сурхондарё вилоят Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази “Тилларни ўқитиш методикаси” кафедраси мудири

ДИСКУРС ТАҲЛИЛ - ЎҚУВЧИЛАР КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ УСУЛИ СИФАТИДА

УДК: 372.882

УМАРОВ Б. ДИСКУРС ТАҲЛИЛ - ЎҚУВЧИЛАР КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ УСУЛИ СИФАТИДА

Мақолада мактаб ўқувчиларининг коммуникатив компетентлигини баҳолашда дискурс таҳлилнинг ўзига хос хусусиятлари асосланган ва тавсиялар тақдим этилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: коммуникатив компетентлик, дискурс, баҳоланувчи обьект, дискурс таҳлил, сўров, жавоб, шарҳ, қайта алоқа.

УМАРОВ Б. ДИСКУРСНЫЙ АНАЛИЗ КАК МЕТОД ОЦЕНКИ КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ШКОЛЬНИКОВ

В статье рассмотрены особенности анализа дискурса при оценке коммуникативной компетентности школьников и даны рекомендации.

Ключевые слова и понятия: коммуникативная компетенция, дискурс, объект оценки, анализ дискурса, запрос, ответ, комментарий, обратная связь.

UMAROV B. DISCOURSE ANALYSIS AS A METHOD FOR ASSESSING THE COMMUNICATIVE COMPETENCE OF PUPILS

In the article is discussed the features of discourse analysis assessment in the communicative competence of schoolchildren and developed recommendations.

Key words and concepts: communicative competence, discourse, object of assessment, discourse analysis, request, response, comment, feedback.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги 124-сон қарори билан тасдиқланган узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандарти «Чет тиллари бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар»да дискурс компетенцияси прагматик компетенция таркибига киритилди. «Мазкур компетенция оғзаки ёки ёзма нутқда фикрларни тегишли тил воситалари орқали ифодалашни назарда тутади. Дискурс компетенцияси оғзаки ёки ёзма нутқдаги изчилликни таъминлашда лингвистик сигналларни тушуниш ва интерпретация қилиш кўнкимларини назарда тутади»¹.

Аммо Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги «Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 187-сонли қарорида мактаб таълимининг тилларни ўқитиш соҳасида прагматик компетенция ва дискурс назарда тутилмаган².

Жаҳон тилшунослигида сўнгги ўн йилликда кўп маъноли дискурс (фр. *discours*, ингл. *discourse*, лот. *discursus* – орқага чопиш, ҳаракат, айланиш, суҳбат, гаплашиш, яъни нутқ, нутқ фаолияти, сўзлашиш усули) атамаси жуда кенг қўлланмоқда. Дастреб боғланма матн тушунчасини ифодалаган бу атама кейинчалик диалог, суҳбат тушунчаларига синоним сифатида ҳам қўлланила бошланди.

«Дискурс» тушунчасига оид моҳияттан тўлиқ тушунчани Г.Тоированинг «Прагмалингвистика» луғатидан ўқиймиз: «Дискурс - (фикр алмаштириш, нутқий мулоқот) сўзловчи ва тингловчи орасида ўзаро суҳбат, саволга яраша жавоб бериш. Мулоқот жараёнида сўзловчи (дискурс назариясида бу коммуникатор деб аталади) тингловчига (адресатга) ўз нутқи ёки мулоқот жараёни орқали ўзини таништиради. Дискурс фикрни баён қилиш жараёни, лисоний имкониятларнинг ёзма ёки оғзаки шакли моддий воқеаланиши, лисоний ва нолисоний воситаларнинг биргаликда ишла-

тилиши, лингво-этно-психо-ситуацион омиллар мажмуи. Дискурс турли лисоний ва нолисоний омиллар бутунлигидан ҳосил бўлган ўзига хос мураккаб бир тизим, системадир. Дискурс лисоний ва нолисоний омиллар (прагматик, ижтимоий-маданий, руҳий) билан биргаликдаги матн; воқеа кечиши нуқтаи назаридан қаралаётган матн; мақсадли ижтимоий ҳаракат сифатида қараладиган нутқ. Дискурс лисоннинг яратувчанлик соҳаси (намунаси), ўз навбатида, туғилган ғоя, коммуникатив мақсад (интенция) натижасидир. Дискурс матнга нисбатан номоддий объект саналади»³.

Дискурс - бу фанлараро ўрганиш обьекти. Назарий тилшунослик билан бир қаторда ҳисоблаш лингвистикаси, психология, фалсафа ва мантиқ, социология, антропология, адабиёт-шунослик, ҳуқуқшунослик, педагогика, таржима назарияси ва амалиёти каби соҳалари дискурсни ўрганишга ўзига хос тарзда ёндашади. Дискурс нутқ ҳаракатларининг бир-бирига боғланган кетма-кетлиги сифатида маълум вақтнинг алоқа фаолияти жараёнида сўзловчи ва тингловчи ўртасида юзага келадиган коммуникатив ҳодиса.

Мавзунинг долзарблиги мактаб ўқувчиларининг ўқув ютуқларига эришишнинг муҳим инструменти сифатида уларнинг коммуникатив компетентлигини баҳолашда инновацион ёндашув дискурс таҳлилидан фойдаланиш масалалари билан белгиланади.

Мавзу бўйича илмий изланишларнинг қисқача таҳлили. Жаҳон ва рус адабиёт-шунослигида дискурс таҳлил муаммоларини тадқиқ этишга З.Клеменсевич⁴ поляк тилидаги, У.Мукаровский⁵ чех тилидаги, О.Эссен⁶ немис тилидаги, Н.Ю.Шведова⁷, М.Л. Михлина⁸ Т.Г. Вино-

³ Тоирова Г. «Прагмалингвистика» луғати. – Тошкент: «Akademnashr» 2016 й. 9 б

⁴ Klemensievicz Z. Zarusz ksladni polskiej, Warszawa, 1957.

⁵ Mucarousky U. Dialog a monolog w "Lesty filologicke", Praha, 1940. - № 6.

⁶ Essen O. Grundzuge der hochdeutschen Satzintonation, Hamburg.

⁷ Шведова Н.Ю. Очерки по синтаксису русской разговорной речи: Автореф. дисс ... д-ра филол.наук. - М.: 1958.

⁸ Михлина М.Л. Из наблюдений над синтаксисом диалогической речи: Автореф. дисс ... канд. филол.наук. - Л.: 1955.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги 124-сон қарори.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги «Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 187-сонли қарори.

кур¹ каби олимлар рус тилидаги диалогик дискурс ва унинг синтактик хусусиятини ўрганган бўлса-да педагогик таълимда мактаб синфонасидаги дискурс ҳолати ва унинг баҳолаша муаммолари тадқиқи этилмаган.

Америкалик тилшунос З.Харриснинг «Дискурс таҳлил» номли мақоласида ушбу атама илк бор муомалага киритилган². Бугунги илмий жамоатчилигимизда “диалог” атамасига “дискурс” тушунчасини яқинроқ тутиш одат тусига айланган. Аммо бу ўхшашлик улар иккисини бир ҳодиса сифатида баҳолашга изн бермайди. Замонавий тилшунослиқда дискурс атамаси сўзлашув нутқидаги мавжуд юқори ҳажмли фраза, шу боисдан, у мавжуд фразалар билан ўзаро алоқадорлиқда. Аксинча, дискурсив таҳлил натижасида тил бирлиги бўлган гапнинг янги ўзига хос лингвистик қирралари очилади³.

В.З.Демяньков фикрига кўра, XX аср сўнгидаги тилшунослиқдаги устун назариялардан бири дискурс таҳлил назариясидир. Дискурс таҳлилнинг мақсади нега бошқа эмас, айнан шу гаплар ишлатилган, нега айнан шу ижтимоий манбалар ишлатилишининг кучлари ишга солинганлигини тушуниширишdir⁴.

Ю.С.Степанов дискурсни муқобил дунё, факт, сабаб тушунчалари билан боғлайди. У шунингдек дискурсни алоҳида ижтимоий борлиқ кўринишида намоён бўлган “тил ичидаги тил” сифатидаги кенг лингвофалсафий изоҳини беради⁵.

Сўзлашув нутқида учрайдиган савол-жавоб шаклидаги диалог ва унинг тўлиқсиз гаплардан фарқи, диалог ва монолог ўртасидаги тафовут каби масалалар А.Ҳазратқуловнинг ишида қайд этилган⁶. Л. Раупованинг 2010 йилда нашр қилинган “Диалогик нутқнинг дискурсив талқини” номли

¹ Винокур Т.Г. О некоторых синтаксических особенностях диалогической речи в современном русском языке. :Автореф. дисс ... канд. филол.наук. - М.: 1953.

² Harris Z.S. Analyse du discours // Languages, 1969. – №13. – Р. 8-45.

³ Dubois J., Giacomo M. et al. Dictionnaires de linguistique. – Paris: Larousse, 1973. – 516 р.

⁴ Демяньков В.З. Доминирующие лингвистические теории в конце XX века / В.З.Демяньков // Язык и наука конца XX века. – М.: Российский госуд. гуманит. университет, 1995. – С. 239 – 320.

⁵ Степанов Ю.С. Язык и метод. К современной философии языка / Ю.С.Степанов. – М.: “Языки русской культуры”, 1998. – 784 б.

⁶ Ҳазратқулов А.Ҳ. Диалогик нутқ синтаксисининг баъзи хусусиятлари. –Қарши: Насаф, 1978. – Б. 36.

монографияси диологик нутқда ифода планига кўчадиган мазмун ва шаклларни дискурс сифатида намоён этилишини соҳага қизиқувчиларга тақдим сифатида қабул қилиш мумкин⁷.

Мақоланинг илмий янгилиги. Умумтаълим мактаб ўқувчиларини коммуникатив компетентлигини баҳолашда, дискурс таҳлил коммуникатив вазиятларда барқарор муносабат, самарали мулоқот стратегияларини танлашда инновацион ёндашувнинг қайта алоқага киришиш даражасини ҳисобга олиш асосида яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг объекти. Умумтаълим мактаб ўқувчилари, ўқитувчилар, оила.

Асосий қисм. Мактаб ўқувчиларнинг коммуникатив вазиятлари, учрайдиган муаммоли вазиятларнинг намоён бўлиши, улардаги мулоқотни амалга оширишда адекват мулоқот кўнимкалари шаклланганлик даражасининг пастлиги, мулоқотга киришишдаги тўсиқларни енгib ўтиш усулларини мавжуд эмаслиги ёки камлиги ўқувчилар ўртасидаги шахслараро муносабат ва таълим олиш самарадорлигига салбий таъсир этишибий.

Диалогик дискурснинг шахс характери сифатида шаклланишида муҳим роль ўйнаши ҳақида профессор В.И.Толстихнинг ёзишича, одам «ўзининг ҳаётдаги ўрни ва қобилиятининг қай даражада эканлигини тўла англаб етиши учун диалогик дискурсга эҳтиёж сезади. Худди мана шу эҳтиёж шахснинг аниқ бир характер, аниқ бир тип сифатида шаклланишига ёрдам беради»⁸.

Дискурсда баҳо якка шахснинг ҳаётий тажриблари, баҳоланувчи обьектга қайси нуқтаи назардан ёндашуви ва муносабат билдириши, тажрибаси, маълумоти, касби, яшаш тарзи, истеъодиди кабилар билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Хар қандай ҳаракат сингари ўқувчиларнинг ўзаро коммуникатив хатти-ҳаракатлари вазиятни таҳлил қилиш ва баҳолаш, мақсадни шакллантириш ва тезкор режа амалга ошириш ва (ёки) унинг самарадорлигини баҳолашни ўз ичига олади.

Субъект ва обьект ўртасидаги муносабат ифодаланишида баҳолаш характери муҳим ўрин эгаллайди. У баҳоланаётган обьектнинг субъ-

⁷ Раупова Л. “Диалогик нутқнинг дискурсив талқини”. - Т.: 2010.

⁸ Толстых В.И.С чего начинается личность: сборник. -М., 1984. - С.99.

ект учун ижобий ёки салбий аҳамиятга эгалигига ҳамда субъектнинг обьектга нисбатан талаб ва эҳтиёжига қараб белгиланади. Субъектнинг обьектга нисбатан турли муносабат билдиришга ундейдиган қараш ва далиллари баҳолашнинг асоси ҳисбланади. Баҳолаш асоси абадий бўлиши муқим эмас, чунки жамият тараққий қилас экан, кишиларнинг нарса ва предметлар, воқеа -ҳодисаларга муносабати ҳам шунга мос ҳолда ўзгариб туради. Шунга боғлиқ ҳолда жамият томонидан белгилаб қўйилган меъёрлар, баҳо мезонлари, қатъйлашган тасаввурлар ҳам маълум бир ўзгаришларга учрайди. Бир давр учун мақбул кўрилган ўлчов ва мезонлар бошқа даврда қабул қилинмаслиги, талаб ва эҳтиёжларга мос келмаслиги баҳолашнинг ўзгарувчан табиатини белгилайди.

Баҳо тушунчаси дискурснинг асосий компонентларидан бири ҳисбланади. Баҳоловчи дискурсни тадқиқ этиш тилнинг биргина лисоний хусусиятларини эмас, балки алоқани таъминлашдаги характеристерли бошқа томонларини ҳам аниқлашга ёрдам беради. Баҳолаш характеристидаги дискурсни уч йўналишда тадқиқ қилиш мумкин:

- 1) коммуникатив нуқтаи назардан;
- 2) ижтимоий шартланган вазиятлардаги ўзаро таъсир сифатида;
- 3) лисоний бирликлардан фойдаланиш усулига қараб ўрганиш¹.

Бу эса инсоннинг ўй-кечинмалари, орзуумидларини баҳоловчи тил бирликларининг таъсири ва бу воситалардан қандай мақсадда фойдаланиш бўйича муайян хуласаларга келиш имконини беради.

Дискурс таҳлили баҳо концептининг прагматик қатламларини тадқиқ қилишда самарали усул ҳисбланади.

Коммуникатив мақсадга эришиш учун сўзловчи ўз жумласини шундай тузиши лозимки, у учун энг муҳим бўлган жиҳатни таъкидлаш биринчи навбатда туриши лозим. Шунга кўра сўзловчи ҳамсуҳбатида кутилган реакцияни қўзғатади, яъни унга таъсир ўтказади. Баҳолаш категориясига оид сўзларнинг коммуникатив вазифаларидан бири - уларнинг таъсир этишга функционал хосланганилиги билан белгиланади. Баҳоловчи лисоний бир-

ликларнинг мураккаб табиати мулоқот назариясига прагматиканинг энг долзарб масалаларидан бири сифатида қарашни талаб қиласди. Мавжуд алоқа жараёнини моделлаштириш ҳамиша прагматик йўналиш билан боғланади.

Муайян нутқий вазиятда сўзловчи маълум бир коммуникатив мақсадни кўзлаб, ҳамсуҳбатига тўғридан-тўғри ёки билвосита таъсир ўтказади. Коммуникатив мақсад, шунингдек, сўзловчининг субъектив муносабати, алоқанинг таъминланиши, нутқий вазиятнинг ўзи ҳам лисоний воситаларнинг танланишига, мулоқот мавзуси ва шаклига доимо таъсир қиласди. Бошқача айтганда, сўзловчи кўзланган натижага эришиш учун қатъий ҳаракат усуllibарига риоя қилиши лозим. Шунда коммуникатив мақсадга кўра танланган лисоний бирликлар муҳим аҳамият касб этади.

Халқ таълими вазирлиги ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) жамғармаси билан биргалиқда "Ўзбекистонда дарсликлар тайёрланиши, чоп этилиши ва қўлланилиши соҳасини тартибга солувчи сиёсат таҳлили" қўлланмасида "таърифларни ўқувчилар хотирасига ўтказишга йўналтирилган ўрганишни енгид ўтиш"га таълимнинг тегишли босқичига мос бўлган тил ва таркибий тузилмага эга педагогикага асосланган дарсликлар ўқитувчиларга ўқувчиларнинг нафақат амалий билимларни олишларини, балки талқин қилиш, фикрлаш, самарали мулоқот ва ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришини таъминлаш учун ҳам кенг имкониятлар яратишда ёрдам беради", - деб таъкидланган².

Бу каби ёндашув эса, умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида коммуникатив компетентликни ривожлантириш тузилмаси, компонентлари, мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлаштириш, ўқувчиларда коммуникатив компетентликни ривожлантириш модели ва дидактик таъминотини такомиллаштиришни тақозо этди.

Бирмингем университети профессорлари Sinclair ва Coulthard (матн давомида – Синклэр, Каулфард)ларнинг дискурс бирликлари иерархиясига асосланган ўқитувчи-ўқувчи сўзлашуви

¹ Винокур Т.Г. О некоторых синтаксических особенностях диалогической речи в современном русском языке.: Автореф. дисс ... канд. филол. наук. - М.: 1953. 115 с.

² Халқ таълими вазирлиги ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) жамғармаси билан биргалиқда "Ўзбекистонда дарсликлар тайёрланиши, чоп этилиши ва қўлланилиши соҳасини тартибга солувчи сиёсат таҳлили". - Тошкент 2020., 15 бет.

модели ҳам машхур бўлди. Бирмингем университетида мактаб дарсларидағи сўзлашув дискурсни таҳлил қилиб, дастлабки тадқиқот сифатида мактаб синфоналарида дискурс структураси ўрганилди¹.

Бирмингем модели дискурс таҳлилига бирдан-бир тўғри ёндашув бўлмаслиги мумкин, лекин у нутқ актларини ўрганиш билан боғлиқ бўлганлиги учун оддий ва катта аҳамиятга эгадир. Синклеар ва Каулфард мактаб синфоналарида маҳаллий гапиравчилар тилида учрайдиган намунани таҳлил қилдилар, ўқитувчи ва ўқувчилар ўз роллари бўйича гапиришганда уларнинг суҳбати жуда ҳам структураланган кўринишга эга. (Т = ўқитувчи, Р = гапирадиган ҳар қандай ўқувчи).

Ўқитувчи дискурсни "тўғри..." билан бошлайди ва "тўғри, энди..." билан тугаллади. Ўқитувчи дарснинг бир қисмидан иккинчи қисмига паузасиз ўтмайди. У ўқувчиларига ҳар бир фазанинг бошланиши ва охири ҳақида "ҳозир" ва "тўғри" сўзларини ўзига хос интонация билан қўллаб, сигнал беради. Уларни савол ва жавоблардан иборат парчанинг ҳар икки томонида фрейм (frame) ларга айлантиради. Синклеар ва Каулфард бундай гаплар вазифасини "рамка ҳаракати" лар деб атайди. Иккита "рамка ҳаракати", улар ўртасидаги савол-жавоблар кетма-кетлиги. Буни улар "трансформация" деб атадилар. Бунда тил воситасида нима бажарилаяти деган савол пайдо бўлади. Ушбу синфона сўзлашуви парчаси жуда структураланган ва формалдир, бундай турдаги фреймлар бошқа бир қанча вазиятларда ҳам умумий бўлиши мумкин. Синклеар ва Каулфард синфона сўзлашуви структурасини қўйидагича яратиши:

1. Ўқитувчи ниманидир сўрайди (- Нима бу?),
2. Ўқувчи жавоб беради (- Болта),
3. Ўқитувчи жавобни тасдиқлайди ва изоҳлайди (- Ха, бу болта).

Такрорланадиган бу намунани қўйидагича таснифлашимиз мумкин:

1. Сўров - Т
2. Жавоб - Р
3. Шарҳ - Т.

Бу кейин бизга СЖШ-СЖШ-СЖШ-СЖШ (ва ҳоказо) мунтазам структурасини беради. Улар

орасидаги чегараларни қўйидагича белгилашимиз мумкин: (/ = С/Ж/Ш // = СЖШ//СЖШ//СЖШ)

Рус олимлари А.Н.Баранов ва В.М.Сергеевлар² аргументация дискурснинг маҳсус шакли бўлган фикрлар қарама-қаршилигини ҳал қилиш учун тил воситаларидан фойдаланиш билан характерланадиган вербал мулоқот ҳодисасини қўйидагича тасвиirlайди:

- 1) гапиравчи О нуқтаи назарни илгари суради;
- 2) гапиравчи пропозициялари ифодаланган S1, S2 ... Sn фикрларини айтади (пропозиционал мазмуннинг шарти);
- 3) S1, S2 ... Sn фикрларининг олдинга сурилиши О "нуқтаи назарни асослашга гапиравчининг уриниши" деб ҳисобланади, яъни эшитувчини О нинг мақбуллигига ишонтириш (муҳим шарт).
- 4) гапиравчи ҳисоблайдики,
- а) эшитувчи О ни қабул қилмаяти;
- б) эшитувчи S1, S2 ... Sn ни қабул қиласяпти;
- в) эшитувчи S1, S2 ... Sn ни О ни асословчи сифатида қабул қиласяпти (ибтидоий шартлар).
- 5) гапиравчи ҳисоблайдики, а) О мақбул, қабул қилса бўладиган;
- б) S1, S2 ... Sn ни қабул қилса бўлади;
- в) S1, S2 ... Sn О ни асослайди (самимилик шарти).

Эътиборли жиҳат шундаки, фақат (1) ва (2) пунктлар биргаликда аргументлаш нутқий актлар пропозиционал мазмуни сифатида тасвиirlаниши мумкин. Таъкидлаш керакки, ҳеч қандай алоҳида нутқий акт фикр ёки аргументлаш орқали тушунтирила олмайди. Бу актлар фақат диалектик бирлиқда мавжуд. Шу сабабдан аргументлаш ҳақида макронутқий акт сифатида ташкил этувчи бўлаклар ҳандай характеристерли хусусиятларга эга? Уни баҳоловчи ҳукм ёки модаль предикатли ҳукм билан, яъни фақат маъқул ёки номаъқул тарзида баҳолаш мумкин бўлган фикр деб қарасак бўлади. "Самимилик" термини ўрнига "қабул қилса бўладиган", "маъқул" терминларининг ишлатилиши аргументлашнинг формал-мантиқий тасвиirlанишидан унинг лингвистик ва аксиологик тасвиirlаниши томон муҳим қадамdir.

Аргументация субъектининг мақсади ҳақиқий манбалардан ҳақиқий хуносалар чиқариш эмас, фикрни мақбул аргументлар орқали "қабул

¹ Sinclair, J. McH., and R. M. Coulthard. 1975. Towards an Analysis of Discourse. -Oxford: Oxford University Press. - 265 p.

² Баранов А. Н., Сергеев В. М. Естественно-языковая аргументация в логике практического рассуждения // Мышление. Когнитивные науки. Искусственный интеллект. — М., 1988. С. 104—119

қилса бўладиган", "маъқул" фикрга айлантириш. Ҳамсұхбат фикрини қабул қилинганда мулоқотнинг иккинчи иштирокчиси унинг ҳаққонийлигига (тўғрилигига) қўшилади. Шундай қилиб, "фикри қабул қилса бўладиган фикрга айлантириш" дегани "оппонентни ишонтириш" дейиш билан бир хил маънони англатади. Фикрни қувватлайдиган аргументлар белги ёки сабаб табиатига эга бўлиши мумкин. Биринчи ҳолатда аргумент пропозициялари ва фикр ўртасида биргалиқда мавжуд бўлиш муносабатлари ўрнатилади.

Аргументлашнинг иллокутив кучи интенсивлигини оширишга хизмат қиласи ва ўз навбатида аргументлашни ишончлироқ, макронутқий актни муваффақиятли бўлишини таъминлайди.

Бирмингем университети профессорлари Синклэр ва Каулфардларнинг мактаб дарсларидаги ўқитувчи ва ўқувчи сўзлашув структураси билан А.Н.Баранов ва В.М.Сергеев томонидан таклиф этилган коммуникатив мақсадни аргументлаш ёндошувини уйғунлаштириш бизга мактаб ўқувчилари коммуникатив компетентлигини баҳолашда дискурс таҳлил имкониятларини оширади.

Бугунги кунда мактаб дастурларида ўқувчиларнинг коммуникатив компетентлигини баҳолашнинг ягона ва умумеътироф этилган илмий ёндошувлар мавжуд бўлмаган шароитда биз томондан мактаб амалиётида жорий этиш тавсия этилаётган дискурс таҳлил энг мувофиқ усул ва у ўқувчиларнинг коммуникация борасида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган таълим ютуқларига

эришишини белгилайдиган педагогик ўзаро фаолиятнинг асосларини таҳлил қилиш имкониятларини яратади.

Хулоса ва амалий таклифлар.

1. Дискурс таҳлил ўқувчиларнинг эркин фикр алмашиш, муносабат билдириш, бир-биридан ўрганиш ва ўргатишига имкон берадиган дўстона, ижодий муҳит яратиш лаёқатлари объектив баҳоланибина қолмай, мазкур инструментдан фойдаланиш ижтимоий фаол фуқарони, ҳаётда дуч келинадиган муаммоларни ҳал қилишда вазијатларни кўпроқ муҳокама қилиш, бошқаларга тушунтириб бера олишда кутилган самарани олишга қобилиятлари аниқланади.

2. Замонавий ишбилармонлик дискурсида манфаатга эришиш ва коммуникатив мақсадга муваффақиятлилик алоҳида соҳа қобилияти сифатида эътироф этилар экан, мактаб муҳитидаги таълим жараёнида ўқувчиларни келажакда муваффақиятли ҳаётга тарбиялаш ишида уларнинг мулоқотларини дискурс таҳлил қилиш орқали мақсадли ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

3. Мактаб ўқувчиларининг коммуникатив компетентлигини самарали ривожлантиришга устуворлик берган таълим муассасалари раҳбарлари, педагогик жамоалар ва услубшунослар томонидан ушбу дискурс таҳлил имкониятларидан фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган таълим ютуқларига эришиши таъминловчи психологияк-педагогик шароитни яратади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги "Ўзлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида"ги 124-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги "Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 187-сонли қарори.
3. Тоирова Г. "Прагмалингвистика" луғати. – Тошкент: «Akademnashr» 2016 й. 9 б.
4. Klemensievicz Z. Zarz ksladni polskiej, Warszawa, 1957.
5. Mucarousky U. Dialog a monolog w "Lesty filologicke", Praha, 1940. - № 6
6. Essen O. Grundzuge der hochdeutschen Satzintonation, Hamburg.
7. Шведова Н.Ю. Очерки по синтаксису русской разговорной речи: Автореф. дисс ... д-ра филол.наук. - М.: 1958.

8. Михлина М.Л. Из наблюдений над синтаксисом диалогической речи: Автореф. дисс ... канд. филол.наук. - Л.: 1955.
9. Винокур Т.Г. О некоторых синтаксических особенностях диалогической речи в современном русском языке.: Автореф. дисс ... канд. филол. наук. - М.: 1953.
10. Harris Z.S. Analyse du discours // Languages, 1969. – №13. – Р. 8-45.
11. Harris Z.S. Notes du cours de syntaxe. – Paris: Ed. du Seuil, 1976.–238 р.
12. Dubois J., Giacomo M. et al. Dictionnaires de linguistique. – Paris: Larousse, 1973. – 516 р.
13. Демьянков В.З. Доминирующие лингвистические теории в конце XX века / В.З.Демьянков // Язык и наука конца ХХ века. – М.: Российский госуд. гуманит. университет, 1995. – С. 239 – 320.
14. Степанов Ю.С. Язык и метод. К современной философии языка / Ю.С.Степанов. – М.: "Языки русской культуры", 1998. – 784
15. Ҳазратқұлов А.Х. Диалогик нұтқ синтаксисининг баъзи хусусиятлари. –Қарши: Насағ, 1978. – Б. 36.
16. Раупова Л. "Диалогик нұтқнинг дискурсив талқини". Т.2010 й.
17. Толстых В.И.С чего начинается личность: сборник. -М., 1984. -С.99.
18. Халқ таълими вазирлиги ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) жамғармаси билан биргаликда "Ўзбекистонда дарсликлар тайёрланиши, чоп этилиши ва қўлланилиши соҳасини тартибга солувчи сиёsat таҳлили". Тошкент 2020.
19. Sinclair, J. McH., and R. M. Coulthard. 1975. Towards an Analysis of Discourse. Oxford: Oxford University Press. -265 р.
20. Баранов А. Н., Сергеев В. М. Естественно-языковая аргументация в логике практического рассуждения // Мышление. Когнитивные науки. Искусственный интеллект. — М., 1988. С. 104—119.